

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ВА
ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУРГАНБАЕВ РУЗИМБАЙ УРАЗБАЕВИЧ

**Қорақалпоқ типига мансуб сур рангли қорақўл қўйларининг
маҳсулдорлигини такомиллаштириш**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД-2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации(DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Турганбаев Рузимбай Уразбаевич

Қорақалпоқ типига мансуб сур рангли қорақўл қўйларининг
махсулдорлигини такомиллаштириш.....3

Турганбаев Рузимбай Уразбаевич

Совершенствование продуктивности каракульских
овец сур Каракалпакского породного типа.....25

Turganbaev Ruzimbai Urazbaevich

Perfection of karakul sheep sur of the
karakalpak pedigree phylum.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....50

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ВА
ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

Турганбаев Рузимбай Уразбаевич

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТИПИГА МАНСУБ СУР РАНГЛИ ҚОРАҚЎЛ
ҚЎЙЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб
чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД-2017

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, (инглиз резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samqxi.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юсупов Суратбек Юнусович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кахаров Абсаттор Кахарович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна

қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Арипов Уктам Хаджимуратович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ипакчилик илмий-тадиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ҳамда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадиқот институтининг DSc.27.06.2017.Qx.V.12.02 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» «___» 2017 йил соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел: (99866) 234-33-20; факс (99866) 234-07-86; факс (99866) 234-07-86; e-mail: saainfo2@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел: (99866) 234-33-20; факс (99866) 234-07-86; факс (99866) 234-07-86; e-mail: saainfo2@edu.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2017 йил «___»_____даги_____рақамли реестр баённомаси)

Р. Б. Давлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
вет.ф.д., профессор

А. С. Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, вет.ф.д., доцент

М. И. Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда 500 ортиқ турли маҳсулдорлик йўналишидаги қўй зотлари урчитиблиб келинмоқда ва уларнинг умумий бош сони 1,25 млрд.ни ташкил этади¹. Мазкур қўй зотларидан фақат қорақўл зотиғина қимматбаҳо ва бетакрор қўзи барра терисини беради. Қорақўл терилари орасида қорақалпоқ зот типига мансуб ранг-барангликдаги сур рангли терилар ўзининг жозибадор ва нафислиги билан ажралиб туради.

Дунё миқёсида қорақўлчилик соҳасида ҳар хил рангдаги териларга айниқса сур рангли қорақўл териларига талаб ортиб бормоқда. Қорақўлчилик соҳаси жадал ривожланаётган давлатларда қорақўл қўйларининг ноёб рангдаги турларини кўпайтириш ва уларнинг селекцион асосларини яхшилаш талаб этилмоқда. Жаҳон селекционер мутахасис олимларининг асосий вазифаси сур зот типидagi қўйлар сонини кўпайтириш ҳамда камёб рангли қорақўлнинг барқарор етиштирилишини таъминловчи юқори маҳсулдор ихтисослаштирилган ҳайвонлар подасини яратишга талаб ортиб бормоқда. Бунда генофондни сақлаш, селекция усулларини такомиллаштириш ва янги турдаги, экспортга йўналтирилган маҳсулотни етиштирувчи ранг-баранглик ва нақшли жингалак гулли қорақўл қўйларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда мустақиллик йилларида сур қорақўл зотларининг селекциясини ташкил этиш орқали уни зотдорлигини яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур зотнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб тери, жун ва гўшт маҳсулдорлигини оширишга эришилди. Шу билан биргаликда, Қорақалпоқ типига мансуб сур қорақўл қўйларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада қорақўлчилик соҳасида қорақўл териларининг сифати, ранг-баранглигини ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ 842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 2841-сон қарорлари ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳукуқий

¹ www.anal;titika.kz/emages/prognoz/

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Қорақўл қўй зотларининг хўжалик-биологик хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Галле қорақўлчилик лабораторияси (Германия), Вена чорвачилик маркази (Австрия), Намибия қорақўлчилик маркази (Намибия), Қорақўлчилик лабораторияси (Молдова), «Аскания Нова» тажриба хўжалиги (Украина) ва Жанубий-Ғарбий Қозоғистон чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сур зот типига мансуб қорақўл қўйларининг селекцион ва генетик хусусиятларини яхшилашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: қорақўл қўйларини маҳаллий зотга мансуб қўйлар билан чапиштиришда барра типи, жун толаси қопламаси, қўзи терисининг нақшиндорлигининг авлоддан авлодга ўтиши аниқланган (Галле қорақўлчилик лабораторияси, Германия); қора, кўк ва сур рангли қўзиларда барраликнинг авлоддан авлодга ўтиши аниқланган (Вена чорвачилик маркази, Австрия); маҳаллий шароитда қорақўл қўйлари билан селекция-наслчилик ишларини олиб бориш усуллари ишлаб чиқилган (Қорақўлчилик лабораторияси, Молдова); турли экологик ҳудудларда уларни озиклантириш, сақлаш ва кўпайтириш шароитлари ва бошқа масалалар ишлаб чиқилган («Аскания Нова» тажриба хўжалиги Украина); кўк қорақўл қўйларига ва маҳаллий қўйлардан барра терилар олиш бўйича маҳсулдорлигининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган (Намибия қорақўлчилик маркази, Намибия); қорақўл қўйларини кўпайтиришнинг янги экологик минтақаларда наслчиликни яхшилашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Жанубий-Ғарбий Қозоғистон чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти).

Дунёда қорақўл қўй зотининг селекцион ва генетик хусусиятларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қўзилар барра типларининг товланиши ва бир текислиги, жуннинг узунлиги ва сурлик даражаси кўрсаткичларини аниқлаш; турли ранг-барангликдаги қўзиларнинг жун толасида меланин миқдорини аниқлаш; қорақўл қўйларининг маҳсулдорлиги ва қорақўл терисининг сифатини ва мақбул қўйлар подасини тузиш учун селекция-наслчилик ишлари механизмини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сур қорақўл қўйлари билан селекция-наслчилик ишларини олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистонда В.М.Юдин, Н.С.Гигинейшвили, В.Жиляковой, У.Сагдуллаев, Н.Хидиров, А.Ибрагимов, С.Юсупов, М.Эгамкулов ва Қозоғистонда Х.Укбаев, М.Туекбасов, А.Ахмедшиев, В.Жилякова, Тожикистонда К.Аҳмедов, Туркменистонда Сапронов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур олимлар томонидан сур қорақўл қўйлари сонини, ушбу рангли қорақўл тери етиштиришни кўпайтириш, уларнинг орасида юқори маҳсулдорли популяциялар, завод типлари ва линияларини яратиш масалалари кўриб чиқилган. Бухоро ва Сурхондарё зот типларига мансуб сур қўйлари мисолида амалга оширилган. Шу сабабли ҳозирги пайтда Бухоро зот типли сур қўйлари етиштириш миқдор жиҳатидан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб беради, аммо Сурхондарё ва айникса, Қорақалпоқ зот типли, ноёб нақшли сур қорақўл териларини етиштириш бозор талабларидан ортда қолмоқда.

Ю. Жуманиёзов, К. Очилов, А. Ахмедшиев ва бошқа тадқиқотчилар томонидан Қорақалпоқ зот типига мансуб сур қорақўлининг асосий ранглари, уларни кўпайтириш усуллари, ўсиш, ривожланишининг айрим кўрсаткичлари, жун етиштириш усуллари тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда ранглар, жингалаклик хусусиятларининг юзага келиши ва авлоддан авлодга ўтиши, тери-жун қопламасининг айрим морфологик хусусиятлари, шаклланиши қонуниятлари, генетик ва фенотипик ўзгаришлар, уларнинг бошқа маҳсулдорлик аломатлари боғлиқ илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий тақиқотлар режасининг А-11-120 «Турли рангдаги ва хилма-хил жингалакликка эга рангли қорақўл қўйларнинг генетик салоҳиятидан фойдаланилган ҳолда юқори маҳсулдор подадан экспортга йўналтирилган қорақўл териларини етиштириш»; КХА-10-134 «Қорақўл зотли қўйларнинг генетик имкониятидан келиб чиқиб, уларни бошқариш, етиштириш ва ренатабелли модели фойдаланиш» (2009-2011 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоқ сур зот типига мансуб қорақўл қўйларининг селекцион ва генетик хусусиятлари асосида ҳар бир ранг-барангликка хос бўлган муҳим белгилар бўйича ҳайвонларни танлаш ва саралашнинг самарали усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қимматбаҳо ва мавжуд ранг-барангликдаги қўзилар барра типларининг ифодаланиши, товланиши ва бир текислиги, жуннинг узунлиги ва сурлик даражаси кўрсаткичларини аниқлаш;

турли ранг-барангликдаги қўзиларнинг жун толасида меланин миқдори ва хусусиятларини аниқлаш (туғилиш пайтида, 5-ойлигида ва 18-ойлигида);

ҳайвонлар линиясини яратишда маҳсулдорлик жиҳатларини тавсифлаш ва уларнинг селекцион жараёндаги ўрнини аниқлаш;

қорақўл қўйларининг маҳсулдорлиги ва қорақўл терисининг сифат

жихатларини ўрганиш;
турли хилдаги саралаш типларида ранг-барангликнинг авлоддан авлодга ўтиш даражасини аниқлаш;

жун толасининг морфологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари, қорақўл терисининг гистологик таркибини аниқлаш (5-ойлигида, 12-ойлигида ва 18-ойлигида);

хайвонларнинг ёшига доир ўсиш ва ривожланиш параметрлари, жун ва гўшт маҳсулдорлиги аниқлаш;

сур қорақалпоқ зот типига мансуб махсус қўйлар подасини тузиш учун селекция-наслчилик ишларининг тизимларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сур қорақалпоқ зот типига мансуб турли ранг-барангликдаги тоза насли қорақўл қўйлари, қўзилар, қорақўл териси, турли ёшдаги хайвонларнинг тери, жун толаси намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ зот типига мансуб қорақўл қўйларининг жун толаси қопламининг ўзига хосликлари сифатида маҳсулдорлик ва биологик кўрсаткичлари, қорақўл терисининг товарлик сифати, морфологик хусусиятлари ва жун маҳсулдорлиги, ўсиш ва ривожланиши ва гўшт маҳсулдорлиги, терининг гистологик таркиби олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган зоотехникавий, биологик ва статистик таҳлил қоидаларидан фойдаланилди. Маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги spss (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қорақалпоқ зот типига мансуб сур қорақўл қўйлари жун толасининг фойдаланиши, сурлик, товланиши ва бир текислик даражаси аниқланган;

сур қорақўл қўйларининг жун толасидаги меланин миқдори ва таркиби аниқланган;

яратилган насли хайвонлар линиялари ва улардан селекцион жараёнда фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

ўсиш ва ривожланиши бўйича турли ранг-баранг тусдаги хайвонларнинг турлараро сифат кўрсаткичлари аниқланган.

бошланғич селекцион материаллар асосида хайвонлар ранг-баранглигининг авлоддан авлодга ўтиши даражаси саралаш турларига боғлиқ ҳолда аниқланган.

қимматбаҳо ва бошқа ранг-барангликдаги қўйларнинг махсус подасини яратишга имкон берувчи селекцион услублар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Сур қорақалпоқ зот типига мансуб мавжуд рангдаги қорақўл қўйларини комплекс ўрганиш асосида хайвонларни саралаш учун уларнинг асосий селекцион хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари, шунингдек, қўйларни урчитиш ва қимматли ранг-барангликдаги сур қўйларининг мақбул подаларини яратишда фойдаланиладиган ҳар бир ранг-барангдаги қўзиларни баҳолаш мезони аниқланди.

«Қизилқум» наслчилик хўжалигида сур зот типига қорақўл

қўйларнинг янги завод типи синовдан ўтказилди ва тасдиқланди, уларни сақлаш бўйича тасвиялар ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар қорақўлчилик фанини бойитмоқда, ишлаб чиқилган усул ва амалий селекцион ҳаракатларни Қорақалпоғистон қорақўлчилик хўжаликларида тадбиқ этиш эса ифодаланиши, товланиши ва териларнинг бир тегислигини оширишга қаратилган селекция-наслчилик ишларини самарали олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида маҳсулдорлик-биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қорақалпоқ зот типли қорақўл қўйларини гомоген саралаш самарадорлиги бўйича аниқ илмий маълумотлар олингани, амалий натижалар назарий ишланмалардан келиб чиққан ҳолда олингани, бу маълумотларга биометрик жиҳатдан ишлов берилган, улар хорижий ва мамлакатимиз муаллифларининг худди шундай маълумотлари билан таққослангани, тадқиқот натижалари республика ва халқаро конференцияларда муҳокама этилган ва маъқулланган, бу эса олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақўлчилик фермалари, ширкат ва фермер хўжаликларида тадқиқот натижалари хайвонларнинг юқори маҳсулдорликка эга подаларини ташкил этишда илмий аҳамият касб этувчи қорақалпоқ зот типига қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик-биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда селекция-наслчилик ишларини ташкил қилиш, қорақалпоқ зот типининг сифат ва бир қанча биологик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича илмий маълумотлар билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усуллар (ишланмалар, услублар) қорақалпоқ зот типига мансуб қорақўл қўйларининг яққол ифодаланиши ва товланишининг бир хиллигини оширишга қаратилган селекция-наслчилик ишларини самарали олиб бориш имконини бериб, тармоқни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ зот типига мансуб қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик сифатларини ошириш бўйича тадқиқотлардан олинган натижалар асосида:

қорақўл қўйларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси шароитига мос яратилган «Тўртқўл завод типи» ишланмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (Тошкент, 2002 йил, ZAP 0010). Бунинг натижасида Қорақалпоқ типига мансуб сур терилар сифати яхшиланган, қорақўл элита ва 1-навли терилар салмоғи 80 фоизга оширилишига хизмат қилган;

қорақўлчиликда селекция-наслчилик ишларини яхшилаш бўйича «Сур қорақалпоқ зот типига қўйларни урчитиш бўйича тасвиялар» қорақалпоқ тилида ишлаб чиқилган (Қорақалпоғистон Республикаси «QORAKO‘L» бирлашмасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 18-сон маълумотномаси). Мазкур тасвиянома Қорақалпоғистон Республикаси наслчилик қорақўлчилик

хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

сур қорақўл қўйларидан тери олишнинг такомиллаштирилган технологиялари Тўрткўл тумани «Қизилқум» наслчилик қорақўлчилик хўжаликларига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 01/06-1340-сон маълумотномаси). Натижада ҳар йили 350-400 бош сур насли қўчқорлар кўпайтирилган ва наслчилик қорақўлчилик хўжаликларида рентабеллик даражаси пўлати сур ранг-барангликда 85,6 фоиз, ўрик гули ранг-барангликда 83,0 фоиз, шамчироқ-гули ранг-барангликда 81,3 фоиз ва қизил қамар ранг-барангликда 74,0 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўққизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари ифодаланган; объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини апробацияси ва амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорақўл зоти ва сур қорақалпоқ зот типига мансуб қўйларнинг келиб чиқиши**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз олимлари ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили асосида қорақўл зотли қўйларнинг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши масалаларини акс эттирувчи кенг қўламли материаллар келтирилган. Турли муаллифларнинг барра типи шакллариининг келиб чиқиши, ранг ва ранг-барангликлар хилма-хиллиги масалалари бўйича илмий фаразлари баён қилинган. Айни пайтда барраликнинг хилма-хиллигига ташқи муҳит ва талабнинг таъсири очиб берилган, сур қорақалпоқ зот типига мансуб қўйлар мисолида зот шаклланишининг эволюцион жараёнида тарихий даврнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Мамлакатимизда ва хорижда ушбу йўналишларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган ва очиб берилган, республикаимизда қорақўл қўйларини кўпайтиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти кўрсатиб

ўтилган.

Қорақалпоғистондаги наслчилик ишларининг ҳолати алоҳида кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган, Республикамизда қоракўлчилик маҳсулотларини кўпайтириш бўйича кўрилаётган чоралар, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар, тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва вазифалари таърифланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказилган жой, материал ва услубиёти» деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқлим шароитлари батафсил ёритилган, Орол денгизи қуриши оқибатлари ва уларнинг қоракўлчилик ҳолатига таъсири бўйича кенг кўламли материал келтирилган.

Амударё дельтаси ҳудудлари, Устюрт массиви ва Қизилқум саҳроси зонасидаги яйловларнинг ўзига хос шароитлари батафсил ёритилган.

Экспериментал тадқиқотлар Тўрткўл туманининг «Қизилқум» наслчилик хўжалигида амалга оширилган. Наслчилик хўжалигининг умумий майдони 675843 гектар бўлиб, шундан 534850 гектари – яйловлар ташкил қилади. Тадқиқотлар 1992 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда тусига кўра турдош бўлган ҳайвонлардан олинган насллар мисолида ўтказилган. Бунда ишлар 1-чизмага мувофиқ амалга оширилган. Ранг-баранглик ва жинси кесимига кўра ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини, тирик вазни, тана ўлчамларини ўрганиш, бунда туғилган пайтидаги тана тузилиши индексларини ҳисоблаш асосида бажарилган, 4,0-4,5; (онасидан ажратилганда), 12,0 (бир ёшга тўлганда) ва 18,0-ойлигида вазнини ўлчаш ва тана ўлчамларини қайд қилиш воситасида бажарилган (С. Юсупов и др. 1987).

Қўзичоқларнинг барралик аломатлари туғилган пайтида, 1-3 кунлигида наслчилик ишлари негизига бонитировка бўйича йўриқномаларга (М. 1984, Т. 2000) мувофиқ индивидуал бонитировка асосида аниқланган. (Танлов йўли билан ИТИ нинг тавсияларига мувофиқ қўзичоқларда ва қоракўл терида барралик таърифлари амалга оширилган (Р. Т. Письменной ва М. Д. Закиров бўйича, 1963). Жун таркиби ва маҳсулдорлиги ВИЖ услуби бўйича ўтказиладиган индивидуал кесимлар ва жун намуналарининг кейинги морфологик таҳлили асосида тавсифланган (1969).

Турли ранг-барангликдаги қоракўл жун толасидаги меланин моддасининг сифат таркибининг таҳлили А. П. Воробьевский, К. Д. Очилов, Э. Б. Всеволодов (1979); Э. Б. Всеволодов, К. Д. Очилов, А. П. Воробьевский (1982) тадқиқотларида келтирилган услубиётлар асосида электрон парамагнит резонанс (ЭПР) спектрометрияси асосида бажарилган. Гистологик тадқиқотлар учун тери намуналари думғоза бўлимидан олинди, тайёрлаш ва таҳлил Н. А. Диамидова, Е. П. Панфилова, Е. А. Суслина (1960) услубиётлари бўйича амалга оширилди.

Турли рангдаги қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги совлиқлардан ажратиб олинганидан сўнг ўрганилди, гўштнинг кимёвий таркиби (1978) ВИЖ услубиёти асосида лаборатория шароитларида аниқланди.

Олинган рақамли материалга электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилган ҳолда «Селекция» дастури асосида ишлов берилди.

Диссертациянинг «Сур қорақалпоқ зот тип **қўйлари**» деб номланган учинчи бобида кенг тарқалган рангли - шамчироқ-гул, ўрик-гул, пўлати-сур, камар рангли оч, қизил, тўқ рангларга; шабдар ва чақирга бўлинган ҳолда таърифлари келтирилган. Ушбу бўлимда келтирилган материал шундай хулосага келиш мумкин саккизта ранг-барангдан қимматли ранг-баранглиларига шамчироқ гул, ўрик гул, пўлати сур, қизил тусли камар киради. Шундан келиб чиққан ҳолда мавжуд ранг-барангликлардаги ҳайвонларни сақлаш ва уларнинг сонини кўпайтириш, ҳар бир рангдаги, айниқса, қимматли ранг-барангли гуруҳдаги ҳайвонларнинг чуқурлаштирилган селекциясини олиб бориш, ҳар бирининг янги вариацияларини очиш вазифаси қўйилади.

Жуннинг узунлигини ўлчаш шуни кўрсатадики, у ясси типдаги шамчироқ гул қорақўлда энг калта ($10,4 \pm 0,44$), ундан кейингиси камар ($10,5 \pm 0,50$), сўнгра пўлати сур ва ўрик-гул (тегишли равишда $10,6 \pm 0,64$ ва $10,7 \pm 0,35$) бўлади ($P < 0,05$).

1-жадвал

Жун толасининг узунлиги, мм

Ранг-баранглик	Қўзи-чоқлар сони (бош)	Жакет-боп	Қовурға-симон тип	Ясси тип	Кавказ тип	Ўрта хисобда $X \pm S_x$
		$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	
Думғазада						
Шамчироқ гул	110	12,8±0,56	12,0±1,29	10,4±0,44	14,0±0,61	12,30±0,8
Ўрик-гул	129	12,6±0,41	11,7±1,18	10,7±0,35	13,3±0,55	12,21±0,6
Пўлати-сур	80	12,3±0,61	11,2±0,90	10,6±0,64	12,9±0,72	11,75±0,9
Камар (ўртача)	144	11,9±0,58	11,5±0,45	10,5±0,50	12,8±0,35	11,67±0,6
Тўқ рангли	35	11,1±0,45	10,9±0,87	10,0±0,63	12,1±0,45	11,02±0,8
Қизил	66	11,7±0,51	11,2±0,94	10,5±0,79	12,7±0,71	11,52±0,6
Оч рангли	43	12,3±0,49	11,9±1,08	10,9±0,86	13,2±0,97	12,07±0,5

Ўрик-гул ранг-барангликдаги қўзичоқларда сурлик даражаси 3/10 ва 4/10-71,3% ни камар рангли қўзичоқларда 68,8% ни, шамчироқ гул ранг-барангликдаги қўзичоқларда 67,2%, пўлати сур қўзичоқларда 61,3% ни ташкил этган. Кам даражадаги сурлик (1/10, 2/10) асосан шамчироқ гул рангида ва ўрик гул рангида кузатилади. Пўлати сур ранг-барангли қўзичоқларда ушбу кўрсаткич 3,7% ни ташкил қилди.

Аниқландики, камар ва ўрик гул ранг-барангликларида жингалаклик тўлиқ ўралмаганда жун толасининг бир текислиги кўпроқ намоён бўлади 3/10-4/10, шамчироқ гул ва пўлати сур ранг-баранглигида эса кам даражали

сурлик даражаси ҳам намоён бўлади - 4/10-5/10.

Ранг-барангликнинг якқол ифодаланиши, товланиши, ранглар ва ранг-барангликнинг текислиги кўп жиҳатдан сур қоракўлининг гўзаллиги ва бетакрорлигини таъминлайди.

Маълум бўлишича, тери сатҳи бўйича ранг-барангликнинг якқол ифодаланиши, товланиши ва бир текислиги бир хил бўлмайди. Айни пайтда, ушбу кўрсаткичлар бўйича қорақалпоқ зот типии қоракўли Бухоро ва Сурхондарё қоракўл зот типларидан жиддий равишда фарқ қилади.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сур рангини ва унинг ранг-баранглигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича шамчироқ гул кўзичокларда сезиларли фарқ қилади. Улар орасида ўрик гул (27,9%), пўлати сур (23,8%) ва қизил камар (21,3%) ранг-барангликдаги кўзичокларга нисбатан ранг-баранглиги якқол ифодаланувчи кўзичоклар кўпчиликини ташкил қилади. Ранг-барангликнинг энг якқол ифодаланиши шамчироқ гул (40,0%), пўлати сур (36,3%) ва ўрик гул (33,3%) кўзичокларда кузатилган. Тери сатҳида ранг-барангликнинг бир текислиги ҳам ўрик гул, пўлати сур ва шамчироқ гул ранг-баранглирида кузатилган. ($P < 0,05$). Бошқа ранг-барангликдаги кўзичокларда ушбу кўрсаткичлар бирмуна паст бўлган.

Маълум бўлишича, сур қорақалпоқ зот типига мансуб кўзичокларни ишончли ва аниқ баҳолашда уларни 5-6 кунлигида бонитировкалаш керак. Айни ушбу ёшда ранг ва ранг-барангликнинг ифодаланиши ва товланиши якқолроқ намоён бўлади.

Таъкидланадики, қорақалпоқ зот типидеги қоракўлнинг (шамчироқ гул, ўрик гул, пўлати сур ва қизил камар) жун толеси қопламида асосан эумеланин жойлашган бўлиб, у думалоқ шаклга эга ва мия қобиғи қатламида зич жойлашган, асосдан рангсизланган учига ўтиш жойида меланин бирмунча чўзиқ шаклга эга ва унинг зичлиги унчалик кучли эмас. Ушбу ранг-барангликдаги ҳайвонларда жун толеси учининг оқ-тўқ сариқ ранги мия қатламида жойлашган кам миқдордаги феомеланин билан изоҳланади. Камар кўзичокларининг фарқли жиҳатлари шу билан белгиланадики, уларнинг жун толесида асосан феомеланин мавжуд, бунда оч рангли вариацияларда меланин янада чўзиқроқ шаклга ва кам концентрацияга эга, тўқ вариацияларда эса – думалоқ шаклга яқин бўлиб, концентрация даражаси паст бўлади. 4,0-4,5 ойлик, 12 ва 18 ойликда кўзичоклар жуни таркибида меланин миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, жун толеси қопламининг депигментацияси жараёни жадал кечмоқда. Агарда ўрик гул рангбарангли кўзичоклар жун толесида меланиннинг миқдор кўрсаткичини 100% деб қабул қилсак, 4,0-4,5 ойлигида 26,0%, 15 ойлигида эса 11,2% миқдорида меланин мавжуддир. Бунда оч рангли кўзичокларда тўқ ранглиларга нисбатан депигментация жараёни жадал кечади ва уларнинг жун қоплами оқ-жигарранг тусга киради.

Ранг-барангликнинг яққол ифодаланиши, товланиши ва бир текислиги (% ҳисобида)

Ранглари	Ҳисобга олинган хайвонлар миқдори	Ифодаланиши			Товланиши			Бир текислиги		
		Аъло	Яхши	Ёмон	Кучли	Ўрта	Кучсиз	Аъло	Яхши	Нотекис
Шамчироқ гул	110	30,9	63,6	5,5	40,0	56,4	3,6	29,0	60,9	10,1
Ўрик гул	129	27,9	64,3	7,8	33,3	61,2	5,5	27,9	63,6	8,5
Пўлати сур	80	23,8	70,0	6,2	36,3	60,0	3,7	25,0	65,0	10,0
Камар:										
Қизил	66	21,3	68,1	10,6	21,2	68,2	10,6	21,2	71,2	7,6
Тўқ рангли	35	17,1	68,6	14,3	14,3	62,8	22,9	37,1	60,0	2,9
Оч рангли	43	27,9	67,4	4,7	25,8	67,4	6,8	18,6	72,1	9,3
Шабдар	25	20,0	72,0	8,0	16,0	64,0	20,0	20,0	72,0	8,0
Чақир	25	16,0	68,0	16,0	12,0	72,0	16,0	16,0	72,0	12,0

Диссертациянинг «Намоён бўлган қорақўл аломатларининг авлоддан авлодга ўтиши» деб номланган тўртинчи бобида қайд этиладики, асосий барралик аломатлари – ранг, ранг-баранглик, барралик типи, тоифаси, ўлчами ва барраликнинг жойлашуви нақши, жун толаси қопламининг ипакчилиги ва ялтироқлиги, товар хусусиятлари ва қорақўл сифати бирмунча барқарор равишда авлоддан авлодга ўтиб келади, ва шу сабабли сур қорақўл зотли қўйлар билан наслчилик ишларини олиб боришда қорақўл аломатлари бўйича кўз билан кўриб танлаш самарали усул бўлиб қолди.

3-жадвал

Гомоген танловда ранг-барангликнинг авлоддан авлодга ўтиши

Танлов тури	Бош сони	Қўзичоқларнинг ранг-баранглиги, %								
		ШГ	УГ	ПС	КК	КТ	КС	ШД	ЧК	бошқа-лар
ШГхШГ	405	71,6	7,9	7,5	–	–	–	5,4	4,7	3,0
УГхУГ	463	9,1	68,5	–	6,4	2,9	3,1	5,1	4,7	0,3
ПСхПС	309	10,9	3,7	71,5	–	–	–	6,2	5,1	2,6
ККхКК	299	–	3,6	–	65,9	11,4	14,8	–	–	4,3

ШГ-шамчироқ гул, УГ-Ўрик гул, ПС-Пўлати сур, КК-қизил камар

3-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, гомоген танлов авлодда кутилган ранг-барангликни мустақамлашда яхши самара беради. Жумладан, ўзига ўхшаш ранг-барангли қўзичоқларни олиш шамчироқ гулли қўйларда -71,6%; пўлати сурда 71,5%; ўрик гулда -68,5% ва камарда -65,9 фоизни ташкил этди.

4-жадвал

Қорақалпоқ типига мансуб турли ранг-барангликдаги қўзичоқларнинг тери типи, % ҳисобида

Ранг-баранглик	Хайвонлар сони	Жакетбоп	Қовурғаси мон типи	Ясси тип	Кавказ типи
		$X \pm S_x$			
Шамчироқ гул	110	67,3 $\pm$ 4,1	4,5 $\pm$ 0,9	12,7 $\pm$ 2,6	15,5 $\pm$ 2,7
Ўрик гул	129	65,9 $\pm$ 3,2	6,2 $\pm$ 1,2	15,5 $\pm$ 3,0	12,4 $\pm$ 2,5
Пўлати сур	80	61,3 $\pm$ 2,7	11,3 $\pm$ 2,0	18,7 $\pm$ 3,4	8,7 $\pm$ 1,9
Камар:					
Қизил	66	46,9 $\pm$ 1,5	6,1 $\pm$ 1,1	31,8 $\pm$ 4,3	15,2 $\pm$ 2,7
Тўқ рангли	35	48,6 $\pm$ 1,7	14,2 $\pm$ 2,6	22,6 $\pm$ 3,8	14,6 $\pm$ 2,5
Оч рангли	43	53,4 $\pm$ 2,1	14,3 $\pm$ 2,7	20,7 $\pm$ 2,5	11,6 $\pm$ 2,2
Шабдар	25	60,0 $\pm$ 2,7	12,0 $\pm$ 2,3	16,0 $\pm$ 2,3	12,0 $\pm$ 2,1
Чақир	25	56,0 $\pm$ 2,3	16,0 $\pm$ 1,7	12,0 $\pm$ 2,0	16,0 $\pm$ 1,9
Қора рангли	108	55,6 $\pm$ 2,1	19,4 $\pm$ 1,9	14,8 $\pm$ 2,6	10,2 $\pm$ 1,8

Айни пайтда кам қимматли ва бошқа рангдаги қўзичоқлар улуши тегишли равишда 13,1; 13,9; 10,1 ва 4,3 фоизни ташкил этди. Сур қорақўл зотли қўйларнинг селекцияси ҳам рангига кўра, ҳам барралик типларига кўра амалга оширилади. Сур қорақалпоқ ранг-барангликлари чегарасида ушбу

комплекс кўрсаткични ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар бир ранг-барангликка кўзичокларни тери типига кўра тақсимланиш хосдир. 4-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кутилган ранг-барангликдаги кўзичоклар асосан жакет барра типига мансуб (46,9-67,3%), кам қийматли кавказ типигаги кўзичокларда эса 8,7-15,5% ни ташкил этган.

5-жадвал

**Қорақалпоқ типига мансуб сур кўзичокларнинг
синфларга мансублиги, % ҳисобида**

Ранг- баранглик	Ҳайвон- лар сони	Сара	I синф	II синф	Яроқсиз
		X±Sx			
Шамчироқ гул	110	14,5±1,3	51,8±3,8	28,1±2,1	5,6±0,8
Ўрик гул	129	10,9±1,1	49,6±3,6	31,0±2,3	8,5±1,0
Пўлати сур	80	16,2±1,7	47,5±2,9	32,5±2,5	3,8±0,6
Камар:					
Қизил	66	9,1±0,8	43,9±1,8	37,8±2,1	9,2±1,3
Тўқ рангли	35	2,9±0,4	42,8±1,6	48,6±3,4	5,7±1,0
Оч рангли	43	2,3±0,3	41,8±1,4	44,3±3,1	11,6±1,7
Шабдар	25	-	48,0±1,7	36,0±2,3	16,0±2,4
Чақир	25	-	48,0±1,9	40,0±2,6	12,0±2,1
Қора рангли	108	12,9±1,3	50,9±3,7	32,6±1,9	3,6±0,6

Турли ранг-барангликдаги қўйлар наслида сара ва биринчи синфга мансуб кўзичоклар миқдори турлича бўлди. Уларнинг аксарияти шамчироқ гул ранг-барангликдаги қўйларда – 66,3 % ва энг кам миқдори қизил камар ранг-барангли қўйларда эса – 53,0 фоиз кузатилди. Пўлати сур ва ўрик гул ранг-барангли қўйларнинг насли сонига кўра ўхшаш бўлиб, оралиқ ҳолатни эгаллади.


Кам қимматли ранг-барангликдаги кўзичокларда иккинчи синфга мансуб кўзичокларнинг солиштира салмоғи ва барраси бўйича яроқсизлари кўпроқ кузатилди.

Селекция-наслчилик ишида ва қорақўл териларини баҳолашда барралик ўлчам муҳим кўрсаткичлардан бири саналади.


И. Н. Дьячков (1980), А. Ибрагимов (2000), Р. Г. Валиев (2000), С. Юсупов (2005) шуни таъкидлайдики, барранинг типи, конституцияси, кўзининг катталиги, ранги, ранг-баранглиги кўра турлича бўлади. Хусусан, сур рангли қўйларда гуллари ҳажми қора қўйларга нисбатан энига кўра йирик ва узунлигига кўра ўртача бўлади.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, қорақалпоқ зот типига мансуб кўзичокларга ўртача ва энига кўра бирмунча йирикроқ барра типилик хосдир. Бунда рангидан катъи назар, жакет ва қовурғасимон типдаги қўзиларда ясси ва казказ типдагиларга нисбатан ўртача ва узунроқ бўлади.

Шамчироқ гул, ўрик гул ва пўлати сур ранг-барангли қўзичоқларнинг аксарияти параллел-концентрик нақшга эга эди (тегишли равишда $37,3 \pm 3,7$; $35,7 \pm 3,4$ ва $28,8 \pm 2,6\%$), ушбу рангларда параллель-тўғри нақшлар кам учрайди (13,6-23,7%). Улар ўртасида аралаш турдаги ёки ноаниқ нақшли қўзилар кўп учрайди (шамчироқ гул-49,1%, ўрик гул -44,9% ва пўлати сур – 47,5%). Жун толаси қоплами сифати кўп даражада жун толасининг ялтироқлиги ва ипаклилиги билан белгиланади ва қўзичоқларни туғилиш пайтида баҳолашда муҳим роль ўйнайди. Бу айниқса бетакрор ранг-барангли сур қорақалпоқ зот типидagi қорақўлга кўпроқ тегишлидир.



1-расм. Жун толаси қопламининг ялтироқлиги



ШГ-шамчироқ гул, УГ-ўрикгул, ПС-пўлати сур, КК-қизил камар, ТК-тўқ камар, ОК-оч камар, Шаб-шабдар, ЧК-чақир, КР-қора ранг

2-Расм. Жун толаси қопламининг ипаксимонлиги

Жун толаси қопламининг кучли ипаклилиги ва ялтироқлиги териға гўзаллик ва нақш бахш этади, кўп жиҳатдан қорақўлнинг товар қийматини белгилайди.

Жун толаси қопламининг паст ипаклилиги ва ялтироқлиги пўлати сур, шамчироқ гул ва ўрик гул ранг-барангли қўзичоқларда қайд этилган, шабдар ва чақир рангли қўзичоқлар бирмунча паст кўрсаткичларға эгадир (8,0 ва


12,0%; 16,0%). Сур қорақалпоқ қорақұл терилари сатхи ва ўлчамига кўра асосан ўртача кўрсаткичда баҳоланди ($62,2 \pm 2,6$ -73,3%), ранглар кесимига кўра аниқ тафовутлар аниқланмади.

Қимматбаҳо ранг- барангли кўзичокларда навлилик камроқ қийматга эга ранг-барангли кўзиларга нисбатан юқориноқ бўлиб, бу ушбу ранг-барангли кўйларда олиб борилган селекция-наслчилик ишларининг даражаси билан изоҳланади.

Диссертациянинг «Қорақалпоқ сур зот типидagi кўйларни линияли урчитиш» деб номланган бешинчи бобида, линияли урчитиш подани муайян сифат-фарқли бирликларга бўлиш ва бу орқали соф зотли хайвонларни урчитишда завод типидagi сур ранг-баранглигини сақлаш имконини беради. Биринчилар қаторида 2000 йилда туғилган, жакетбоп типдagi наслдор кўчқор - Антик 1420 танланган бўлиб, у бир текис, яққол ифодаланган пўлати сур рангбарангликка эга бўлган. Бу линияга мансуб авлодга яққол ифодаланган пўлати сур ранг- барангликка хос бўлиб, 75-77% гача 1 синф ва сара насл олинган. Уларнинг териси юпкалиги, зичлиги билан ажралиб туради; Тери гуллари узун, 2/3 қисмига ўралган; сурлик даражаси -25,0-30,0%, гуллари ўртача қаттиқликда, жун толаси қоплами кучли ипакли ва ўта ялтироқ.

Ўрик гул ранг-барангли кўйларнинг асосчиси – гул Янбош-1610, ушбу линияга мансуб кўйларнинг наслига яхши ифодаланган ўрик гул ран-барангли авлодлар хосдир, барра гуллари йирик, ўрамлари узунлигига кўра, асосан, ўртача ва эгилиши 1/3-2/3 ни ташкил этади. Узунлигига кўра жун толасининг ранги – асосида (узунлигининг 1/2 қисми) тўқ жигарранг, ўртаси (узунлигининг 2/5 қисми) жигар ранг ва учлари (узунлигининг 1/10 қисми) оч-тўқ сариқ рангли, териси ўртача қалинликда, жун толаси қоплами ипакли ва ялтироқ.

Шамчироқ гул кўйлари линиясининг асосчиси – Аразгелди-1263 наслдор кўчқор ҳисобланади. Наслдор кўчқорлар ўзининг ранг-баранглигини наслига барқарор ўтказиб келади. Жун толасининг асоси тим қора бўлиб, учи – оқ рангли.



3-расм. Наслли кўчқорлар авлодининг синфи

2009 йилда линия асосчиси сифатида узун, ярим доира шаклидаги барра типли, мустаҳкам конституция типига эга, олалик белгилари йўқ Қизил камар 1281 элита синфли кўчқор танланди.

Линияли наслдор кўчқорларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш асосида аниқландики, кўчқорларнинг яратилган тўртта линияси асосий маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича барқарор ҳисобланади. Улар ўзига хос белгиларга эга бўлиб, барқарор равишда авлодига ўтказди ва сур қорақўл зот типли қўйларнинг янги, юқори маҳсулдор подаларини яратишда ҳамда мавжуд турларини такомиллаштиришда улардан дифференцияланган ҳолда фойдаланиш лозим.

Диссертациянинг «**Ўсиш, ривожланиш ва гўштга оид маҳсулдорлик**» деб номланган олтинчи бобда таъкидланадики, қўйларнинг ҳаётга лаёқатлилигини, уларнинг атроф-муҳит шароитларига мослашувини ва маҳсулдорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири тирик вазни ҳисобланади.

Аниқланишича, шамчироқ гул ва ўрик гул кўзилари тахминан тенг тирик вазнга эга ($3,68 \pm 0,09$ ва $3,7 \pm 0,12$) ва ушбу хусусиятига кўра пўлати сур ва қизил камар кўзиларидан ўзиб кетган ($3,38 \pm 0,11$ ва $3,49 \pm 0,08$). Бундай фарқ 4,0-4,5 ойликда ва бир ёшга тўлганда ҳам сақланиб қолади. ($P < 0,05$).

